







Бухоро Вилояти

КИШ ФАСЛИ — ИШ ФАСЛИ

Қашқаргарё Вилояти

### МЕХНАТКАШЛИҚДА АРИДАН ҚОЛИШМАЙДИ

Нишон туманидаги Пахтаобод қишлоғи аҳоли асаричиликда ном чиқарган. Бугунги кунда қишлоқда 110 дан орტიқ оила асаричилик билан шуғулланади. Хўжақул бобо Эгамназаров эса бу борада қирқ йиллик тажрибага эга, соҳада ўзига хос мактаб яратганлардан.

— Асарчилар нихоятда меҳнаткаш жонивор, — дейди Хўжақул бобо. — Шунингдек, у покликни яхши кўради. Соҳада шуғулланиш учун аридек меҳнатсевар бўлиш керак. Ана шундагина у катта даромад манбаига айланади.

Асаричи бобонинг беш ўғли ҳам ота касбини танлаган. Ҳозир уларнинг ҳар бирида 85 оиладан асарлари бор. Хўжақул бобо уларга биланларини ўргатиб, маслаҳатлар бериб туради.

Дарвоқе, Хўжақул бобонинг Шавкат Эгамназаров, Феруз Ражабов, Туроб Абдиев, Шамсиддин Шерқулов, Расул Рўзиев каби кўплаб шогирдлари бор. Улар ҳам кўп йиллардан буён ушбу соҳа билан шуғулланиб, эл дастурхонига шифобахш маҳсулотлар етказиб беришмоқда.

Баҳром МАҲМУДОВ

Наманган Вилояти

### «ҒАЙРАТ»ЛИКЛАРНИНГ ҒАЙРАТИ

Давлатимиз раҳбарининг «Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши кўламини кенгайтиришга оид қўшимча чоратadbирлар тўғрисида»ги Қарори ижроси юзасидан Уйчи тумани Боягон қишлоғида намунавий лойиҳа асосида 30 та янги уй-жой бунёд этилди.

— Бизнинг Ғайрат қишлоқ фуқаролар йиғинида 15 мингдан ортиқ аҳоли истирожат қилади, — дейди ҚФЙ раиси Аҳмадхон Улуғбоев. — Худудимизда аҳоли турмуш тарзини ошириш, ёшларни иш билан таъмин-



лаш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, ўтган йили қишлоқ фуқаролар йиғини бўйича 386 та янги иш ўрни яратилди. Бу борада тadbбиркор Илхомжон Асқаров томонидан қишлоқ марказида «Ғайрат-ҳалол-барака» тикувчилик корхонасининг ташкил этилгани ва 80 нафар ёшларнинг ишли бўлга-

ни эътиборга молик.

— Ўтган йили коллежни битириб, ушбу корхонага ишга кирдим, — дейди Мухтасар Маматова. — Бу ердаги дастурхоннинг замонавийлиги боис иш суръати юқори. Бу юқалишлар эса корхонамиз, қишлоғимиз, оиламиз фаровонлигини таъминлайди.

Маъмур МУСУЛМОНОВ

О Эълонлар

## МАВСУМГА СИФАТЛИ ТАЙЁРГАРЛИК

Бухоро туманидаги «Работикалмоқ» муқобил машина-трактор парки меҳнат жамоаси ҳар йили қиш фаслида қишлоқ хўжалиги техника ва механизмларини баҳорги экиш мавсумига шай қилиб қўйишга одатланишган. Айни кунларда машина-трактор парки ихтиёридаги техника ва бошқа механизмларни таъмирлаш ишлари қизгин бораётир.

— Ўтган йили худудимиздаги 187 нафар фермер хўжалигига 90 миллион сўмлик хизмат кўрсатдик, — дейди ММТП раҳбари Ашур Қозимов. — Бошланма йилда ҳам миришкорларга камарбаста бўлишни ният қилиб қўйганмиз.

СУРАТДА: механизаторлар Убай Қурбонов ва Хуршид Тошев.

Хамроз АЛИ олган сурат.



## Чипсиз арчалар мусодара қилинди

Украинада Янги йил байрами муносабати билан кесилиб, ноқонуний равишда савдога чиқарилган арчалар сони юз мингдан ошиб кетган. Бу ҳақда шунча арчани мусодара қилган мамлакат милицияси маълум қилган.

Мусодара қилинган арчалар 2,8 миллион гривна (1 АҚШ доллари 8,07 Украина гривнасига тенг)га баҳоланган.

Украина давлат ўрмон ресурслари агентлиги байрам арафасида ноқонуний равишда арча дарахтлари кесилиши ва савдосини олдини олиш мақсадида электрон чиплар жорий этган эди. Яъни ҳар бир савдога қўйилган арчанин чипи бўлиб, унда дарахтнинг келиб чиқиши — қайси ўрмондан кесиб олингани ва бошқа зарур маълумотлар сақланади. Чипсиз, демакки, ноқонуний арча дарахти савдоси билан шуғулланганлар қаттиқ жазоланиши — катта миқдорда жарима тўлаши, ҳатто, жиноий жавобгарликка тортилиши ва бу ҳажа нафақат савдо қиларганлар, балки харидорларга ҳам тааллуқли экани ҳақида аҳоли олдидан огоҳлантирилган эди.



Шу асосда байрам арафасида ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари катта бозорларда тафтиш ўтказиб, кўплаб эгасиз қолган арчаларни йиғиб олишган. Натижалардан шу маълум бўлдики, чоралар браконьерларни даромаддан маҳрум қилган бўлса-да, арчаларнинг ноқонуний кесилишини тўхтатолмади. Маълум бўлишича, мусодара қилинган арчалардан ҳайвонот боғида емиш сифатида фойдаланилган.

## Энг узун темир йўл Хитойда

2013 йил арафасида Хитойда энг узун темир йўл фойдаланишга топширилди.



Мазкур темир йўл Хитой пойтахти Пекин шаҳрини мамлакат жанубидagi Гуанчжоу шаҳри билан боғлаган бўлиб, узунлиги 2,3 минг километри ташкил қилади. Йўналиш бўйлаб 35 та бекат жойлашган. Уртача 300 км./соат тезлик билан ҳаракатланадиган поездда йўловчилар охириги бекатга етиб

олишлари учун 8 соатга яқин вақт сарфлайдилар. Авваллари эса бунинг учун 20 соат сарф этилларди. Билетларнинг ўртача нархи эса 140 АҚШ доллари тенг бўлиб, йўналиш бўйлаб 120 та поезд қатнайди.

Янги темир йўлнинг ишга туширилиши билан Хитойда уларнинг умумий узунлиги 9,3 минг километрга етди. 2007 йилда биринчи қатнов йўлга қўйилган Хитой тезкор транспорт темир йўллари бугунга келиб, жаҳонда энг узун сифатида қайд этилмоқда. 2015 йилга бориб, мамлакатда бу каби темир йўллар узунлигини 16 минг километрга етказиш кўзда тутилган.

## Дунё бойларининг мулки чорак триллионга кўпайди

2012 йил якунларига кўра, жаҳондаги юзта энг бой одамнинг мулки жами 241 миллиард АҚШ долларига ошиб, 1,9 триллион АҚШ доллари етган. Бу ҳақда «Bloomberg Billionaire Index» наشري маълум қилди.

Ўсиш асосан телекоммуникация ва ритейл (асосан улгуржи ва чакана савдодан иборат кенг тармоқли савдо-сотик) соҳаси билан шуғулланувчи ишбилармонлар ҳисобига тўғри келган. Жумладан, «Inditex» савдо тармоғи асосчиси 76 ёшли Каршилаган испаниялик Амансио Ортега ўтган йилнинг энг муваффақиятли миллиардери сифатида эътироф этилди. У ўтган йили 22,2 миллиард АҚШ доллари миқдорига даромад қилиб, жами «ақчалари»ни 57,5 миллиард АҚШ долларига етказиб олди. Натижанда, у «Berkshire Hathaway» компанияси раҳбари, 57 миллиард АҚШ доллари эга бўлган Уоррен Баффетни қувиб ўтиб, миллиардерлар рўйхатида учинчи ўринга кўтарилди. 75 ёшли мексикалик Карлос Слим 75 миллиард АҚШ долларилик сармояси билан рўйхатда ҳамон биринчи ўринни эгаллаб турибди.



Унинг даромади бу йил 13,4 миллиардга кўпайган. Иккинчи ўринда эса, америкалик Билл Гейтс 63 миллиард АҚШ доллари билан турибди. У бу йил 7 миллиард даромад қилган. 2012 йилда энг катта йўқотишга бразилиялик Аике Батиста учради. Унинг маблағлари миқдори 10,1 миллиард АҚШ долларига камайди. Қизғини, у йил бошида 2015 йилга бориб, жаҳоннинг энг бой инсони бўлишини таъкидлаганди.

Интернет хабарлари асосида Азиз НУРУЛЛАЕВ тайёрлади.

«Агробанк» ОАТБ жамоаси банкнинг Хоразм вилояти бошқармаси бўлим бошлиғи Эркин Каримовга умр йўлдоши Мухаббат ЖУМАНИЕЗОВанинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

### БАРЧА ТУРДАГИ ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

## ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ ЯГОНА БУЮРТМАЧИ ХИЗМАТИ ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ 2013 ЙИЛ МАНЗИЛЛИ ДАСТУРИГА КИРИТИЛГАН ҚУЙИДАГИ ОБЪЕКТЛАР БЎЙИЧА ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ЎТКАЗИЛИШНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

**ЛОТ № 24:**  
**Лот 24-1: Жиззах вилояти Бахмал тумани «Оқтош» ҚФЙни сув билан таъминлаш.**  
Объектнинг бошланғич қиймати: ҚҚСсиз 190,0 млн. сўм, ҚҚС билан 228,0 млн. сўм.  
**Лот 24-2: Жиззах вилояти Галлаорол тумани «Молтоб» ҚФЙни сув билан таъминлаш.**  
Объектнинг бошланғич қиймати: ҚҚСсиз 133,333 млн. сўм, ҚҚС билан 160,0 млн. сўм.  
**Лот 24-3: Жиззах вилояти Дўстлик тумани «Мевазор» ҚФЙни сув билан таъминлаш.**  
Объектнинг бошланғич қиймати: ҚҚСсиз 133,333 млн. сўм, ҚҚС билан 160,0 млн. сўм.

**Лот 24-4: Жиззах тумани «Учтепа» ҚФЙни сув билан таъминлаш.**  
Объектнинг бошланғич қиймати: ҚҚСсиз 209,167 млн. сўм, ҚҚС билан 251,0 млн. сўм.  
**Лот 24-5: Жиззах тумани «Гандумтош» ҚФЙни сув билан таъминлаш.**  
Объектнинг бошланғич қиймати: ҚҚСсиз 112,5 млн. сўм, ҚҚС билан 135,0 млн. сўм.  
**Лот 24-6: Жиззах вилояти Зарбдор тумани «Шодлик» ҚФЙни сув билан таъминлаш.**  
Объектнинг бошланғич қиймати: ҚҚСсиз 133,333 млн. сўм, ҚҚС билан 160,0 млн. сўм.  
**Лот 24-7: Жиззах вилояти Мирзачўл тумани «Ғалаба» ҚФЙни сув билан таъминлаш.**  
Объектнинг бошланғич қиймати: ҚҚСсиз 112,5 млн. сўм, ҚҚС билан 135,0 млн. сўм.  
**Лот 24-8: Жиззах вилояти Фориш тумани «Осмоносов» ҚФЙни сув билан таъминлаш.**  
Объектнинг бошланғич қиймати: ҚҚСсиз 94,167 млн. сўм, ҚҚС билан 113,0 млн. сўм.

**Лот 24-9: Жиззах вилояти Янгиобод тумани «Хавас» ҚФЙни сув билан таъминлаш.**  
Объектнинг бошланғич қиймати: ҚҚСсиз 115,991 млн. сўм, ҚҚС билан 139,189 млн. сўм.  
**II Жиззах шаҳридаги вилоят онкология диспансери учун 50 ўринли даволаш корпуси ва ёрдамчи бинолар қурилиши.**  
Объектнинг бошланғич қиймати: ҚҚСсиз 2945,278 млн. сўм, ҚҚС билан 3534,333 млн. сўм.  
**Ишларни тугаллаш муддати:** сув билан таъминлаш объектлари учун 2013 йил 15 августгача, соғлиқни сақлаш объекти учун 2013 йил 30 сентябргача.  
**Ишларни молиялаштириш сув билан таъминлаш объекти учун давлат бюджети маблағлари, соғлиқни сақлаш объекти учун «Таълим ва соғлиқни сақлаш муассасаларини реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ва жиҳозлаш» жамғармаси ҳисобидан амалга оширилади.**  
**Буюртмачи манзили:** Жиззах шаҳри, Ш.Рашидов шох кўчаси, 100-уй.  
**Телефон:** (8-372) 222-46-40.  
**Диққат!** Бошланғич қиймати 500 млн. сўмгача бўлган қурилиш ва реконструкция қилиш объекти бўйича танлов савдолари фақат кичик бизнес субъектлари ўртасида ўтказилади, қиймати 500 млн. сўмдан ортиқ бўлган объектлар бўйича танлов савдолари ўтказилаётганда кичик бизнес субъектларига аҳамият берилмади.

**Танлов савдоларида иштирок этадиган ташкилотлар қуйидаги шартларга жавоб беришлари керак:** танлов савдоси предметининг 20 % миқдоридagi айланма маблағларига ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномасига, ишлаб чиқариш базалари, ишларни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги, етарли касбий ва техникавий малака, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала, ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга, тажрибали ва ишончли бўлишлари, ўқшаш объектларда ишлаш тажрибасининг мавжудлиги бўлиши шарт.

**Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари ва фирмалари иштирок этганда, уларнинг танлов тақлифлари баҳоланганда мамлакатимиз пудратчилари учун қуйидаги нарх преференциялари кўзда тутиллади:** танлов иштирокчиларининг тақлифларини баҳолаш жараёнида танлов тақлифларида четдан ишлар (хизматлар) киритилиши кўзда тутилганда ва бунда импорт қилувчилар қонунга мувофиқ қўшимча қиймат солиғидан озод этил-

ган бўлса, тақлиф қўшимча қиймат солиғи суммасига қўшиб ҳисобланган ҳолда баҳоланади.  
Савдода қатнашиш ва тендер ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — **Ғолистон шаҳри М.Ахтмова кўчаси 30-уйда жойлашган Сирдарё вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига** қуйидаги телефон бўйича мурожаат қилишлари мумкин: **Тел (факс): (8 367) 227-64-42**  
Тақлифлар (офёрталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охириги муддати — офёрталар очилиш кунини ва соати.  
Тақлифлар (офёрталар) очилиши эълон матбуотда чоп этилган кундан бошлаб 15 кунга қисқартирилган ҳолда ўтказилади. (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 4 декабрь 02/1-783-сонли назорат режасига мувофиқ)

### БАРЧА ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

## ОДСП-15 БУЮРТМАСИГА АСОСАН ҚУЙИДАГИ ОБЪЕКТЛАРНИНГ ҚУРИЛИШИ БЎЙИЧА ПУДРАТ ТАНЛОВ САВДОЛАРИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

**1. Объект номи: Сайхунбод туманидаги «Шўрўзак» канални реконструкция қилиш.**  
Бошланғич нархи: ҚҚС билан 4 929 122 358 сўм, ҚҚСсиз 4 107 601 965 сўм.  
Қурилиш муддати: 420 кун 2013-2014 йиллар.  
**2. Объект номи: Мирзаобод туманидаги К-3-б канални реконструкция қилиш.**  
Бошланғич нархи: ҚҚС билан 1 033 956 050 сўм, ҚҚСсиз 861 630 042 сўм.  
Қурилиш муддати: 240 кун 2013-2014 йиллар.  
**Қурилиш ишларни молиялаштириш:** Республика бюджети ҳисобидан.  
**Буюртмачининг манзили:** Сирдарё вилояти Гулистон шаҳар М.Ахтмова кўч. 30, тел: (8367) 227-63-86.  
**Талабгор сифатида қатнашаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга мос келишлари керак:** ҳисобқарамда танлов савдолари предмети қийматининг камида 20 % миқдо-

ридаги бўш айланма маблағлари бўлиши ёки кўрсатиб ўтилган маблағга банк кафолатномаси бўлиши, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги, етарли касбий ва техникавий малака, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала, ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга, тажрибали ва ишончли бўлишлари, ўқшаш объектларда ишлаш тажрибасининг мавжудлиги бўлиши шарт.

Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари ва фирмалари иштирок этганда, уларнинг танлов тақлифлари баҳоланганда мамлакатимиз пудратчилари учун қуйидаги нарх преференциялари кўзда тутиллади: танлов иштирокчиларининг тақлифларини баҳолаш жараёнида танлов тақлифларида четдан ишлар (хизматлар) киритилиши кўзда тутилганда ва бунда импорт қилувчилар қонунга мувофиқ қўшимча қиймат солиғидан озод этил-

### Тайёрлов курсига марҳамат!

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ 2013-2014 ЎҚУВ ЙИЛИДА РЕСПУБЛИКАМИЗНИНГ ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИГА ТЕСТ СИНОВЛАРИ АСОСИДА КИРИШ УЧУН 2013 ЙИЛ 1 ФЕВРАЛДАН БОШЛАНДИГАН 6 ОЙЛИК ПУЛЛИК ТАЙЁРЛОВ КУРСИГА ҚАБУЛ ҚИЛАДИ**

Тошкент давлат аграр университетининг пуллик тайёрлов курси тингловчиларни математика, физика, кимё, биология, ўзбек тили ва адабиёти ҳамда чет тили фанлари бўйича тест синовлари топширишга тайёрлайди. Тингловчиларнинг ўқиши, овқатланиши, даволаниши ва дам олишлари учун барча шароитлар мавжуд. Ўқиш учун ойига 150 000 (бир юз эллик минг) сўм маблағ нақд ёки пул ўтказиш йўли билан тўланади. Харбий хизматни ўтаб, йўлланма билан келган ёшлар ҳамда «Меҳрибонлик уйлари» битирувчилари текин ўқитади ва давлат томонидан берилган барча имтиёزلардан тўлиқ фойдаланиш ҳуқуқига эга. Тингловчиларнинг олган билимлари (ўзлаштиришлари) ҳар ойнинг охирида тест синовлари ўтказиш йўли билан аниқланади. Тайёрлов курсини муваффақиятли тугатган тингловчилар «Давлат гранти» асосида ўқишга киришлари учун етарли билимга эга бўладилар. Ўқиш 2013 йил 1 февралдан бошланади. Хўжатлар «Тайёрлов курси» ўқув биносининг 2-қават, 3-хонасида қабул қилинмоқда. Тайёрлов курсига кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширишлари керак:

- 1. Ариза
- 2. 3x4 ўлчамли 2 дона фотосурат
- 3. Аттестат ёки паспорт нусхаси

**Мурожаат учун телефонлар:**  
8 (371) 260-48-49. (+99899) 615-34-69.  
**Манзил:** 6, 17, 19, 83, 86, 115, 129, 149, 491 автобусларнинг «Университет» бекати.

**«TURKISTON INTISOSLASHGAN AUXTSION SAVDO» МЧЖ** томонидан 2012 йил сентябрь, октябрь ойларига «УзГаз-Оил» МЧЖга қарашли бошланғич нархи 11 700 000 сўм бўлган ДАМАС русумли автотранспорт 13 200 000 сўмга, «Актив Брокер» давлат корхонасига қарашли бошланғич нархи 14 341 000 сўм бўлган «Нексия ДОНС» русумли автотранспорт 16 200 000 сўмга, «Технолог Металли» шўба корхонасига қарашли бошланғич нархи 15 650 000 сўм бўлган «ДЭУ Супер Салон» русумли автотранспорт 17 500 000 сўмга, Тошкент давлат юридик институтига қарашли бошланғич нархи 6 100 000 сўм бўлган «Нексия» русумли автотранспорт 7 000 000 сўмга сотилганлигини маълум қилади.

Тошкент ш. Электротехника тиббиёт техникаси томонидан 1997 й. Юлдашев Науфар Мирзоходив номига берилган № 189796 сонли диплом йўллангани сабабли бекор қилинади.  
Руководство ООО «JASMIN SERVICE» (ИНН 203627939) М.Улугбекского р-на сообщает об утери Учредительных документов (Устав), Губуконыи № 001314-04 от 18.07.2005 г. и считать их недействительными.  
Руководство ООО «JASMIN SERVICE» (ИНН 203627939) М.Улугбекского р-на сообщает об утери Учредительных документов (Устав), Губуконыи № 4-М от 30.12.2012 г. и считать его недействительным.  
«BEDITES SAMI» МЧЖ низом жамгармасини 179 530 100 сўмдан 74 023 723 сўмгача камайтиради.  
Деҳон ва фермер хўжалиқларини қўллаб-қувватлаш Фонди (ИНН 202441085, Алия вазирликдан 29.03.2011 й. да № 313-п-сонли гурӯҳнома билан қайта рўйхатга олинган) фаолияти 29.12.2012 й.даги Фонд Кенгашининг қарорига асосан тугатилди. Даволаш эълон чоп этилган кундан бошлаб икки ой мuddатда қабул қилинади. Манзил: Тошкент ш. Юнусобод т. А. Темир кўч. 62 А уй. Тел.: 234-63-15, 235-91-68.  
Утеранный шихадотнома UZL № 316012, выданный в 1998 г. шк. № 119 Алматыского р-на (быв. Сабир Рахимовского) г. Ташкента о 9-классном образовании на имя Махсудовой Нигиры Мирзахамидовны, считать недействительным.  
ООО «МААНИН АГРО ИМПЕХ» (ИНН 302133125), зарегистрированное отделение гос. регистрации субъектов предпринимательства хокимията Якасарайского р-на г. Ташкента (реестр № 006322-11 от 8.11.2011), расположенное по адресу: ул. У Носира 25, ликвидируется (решение учредителя № 4-М от 30.12.2012 г.). Претензии принимаются в течение 2 месяцев со дня публикации объявления.  
ООО «IRON-GHK» (ИНН 205242727), расположенное по адресу: г. Ташкент, Чиланзарский р-н, ул. Бунёдкор, д. 47, зарегистрированное 12.10.2004 г. ИПСП при хокимияте Чиланзарского р-на, ликвидируется (протокол общего собрания участников № 1 от 29.12.2012 г.). Требования кредиторов могут быть заявлены в течение 1-го месяца с даты опубликования объявления по указанному адресу.  
ООО «GULBANAR FOOD CENTRE» (ИНН 302088782), зарегистрированное отделение гос. регистрации субъектов предпринимательства М.Улугбекского р-на г. Ташкента (реестр № 006782-04 от 13.01.2012 г.), расположенное по адресу: г. Ташкент пр. Бухоро Ийлақ Йўли Ц-1 д. 24/13, ликвидируется (решение учредителя № 1 от 03.01.2013 г.).

## Янги йил

Қиш баҳор суратин чизади дилга,  
Халлар айланиб боради гулга.  
Нигоҳларни тикиб энг ёруғ йўлга,  
Шаффоф туйгулардан яйрайди кўнгиш.  
Бахтнинг шевасида сўзлар Янги йил.

Олислашиб борар тобора армон,  
Моҳир раққосадай уйнар ҳаяжон.  
Орзулар қуёшни қилади меҳмон,  
Шаффоф туйгулардан яйрайди кўнгиш,  
Бахтнинг шевасида сўзлар Янги йил.

Деҳқоннинг қалбида янгича ҳавас,  
Уйғоқ тугён ила ер олар нафас,  
Яшил шият қилар тупроқда ҳар хас,  
Ватан севгисига тўлади кўнгиш,  
Кафтини дуога очар Янги йил.

Дарахтлар тушига киради баҳор,  
Оптоқ афсунини сочганида қор,  
Юракларда кезар муҳаббат бедор,  
Умид қўшиғидан мастона кўнгиш,  
Омад дарвозасин очар Янги йил.

Адолат куйидан эл-юрт фаровон,  
Озодлик ярашган эй, Ўзбекистон,  
Бир кун шиддатиндан уйғонар жаҳон,  
Шу тилак авжиди ёнар Янги йил,  
Ватан севгисига тўлади кўнгиш.

Токи турмуш обод — келажак обод,  
Ишонч бўстонларин этгаймиз бунёд,  
Жон ичра орзулар қоқади қанот,  
Шодлик шаробидан маст бўлар кўнгиш,  
Дунёга ўзгача боқар Янги йил.

Абдуғани СУЛАЙМОН



## «ЯНГИЙЎЛ ЁҒ-МОЙ» ОАЖ ЖАМОАСИ

ватандошларимизни Янги йил байрами

билан самимий муборакбод этади.

Обод турмуш йили барғамиз уғун омадга  
бой, бақарати йил бўлсин!

Қалбларимиздан меҳр-муҳаббат,  
шоду хуррамлик ҳеҳ қатон аримасин.

Доимо дастурхонларимиз тўкин,  
ризқимиз бутун бўлсин!

## ҚУЙИ АМУДАРЁ ИРРИГАЦИЯ ТИЗИМЛАРИ ҲАВЗА БОШҚАРМАСИ ЖАМОАСИ

юртдошларимизни 2013 йил — Обод турмуш йили билан муборакбод этади.  
Юртбошимиз раҳнамолигида қишлоқ хўжалигида, жумладан, сув тизимида кенг  
қамровли ислохотлар амалга оширилмоқда. Ўтган йили Қуйи Амударё ирригация  
тизимлари ҳавза бошқармасига қарашли ИТБ ва ДУКлар томонидан кўплаб  
лойиҳалар амалга оширилди. Бу эса Оролбўйида ерларнинг мелиоратив ҳолати  
яхшиланишига, қишлоқ хўжалиги экинларидан олинадиган ҳосилдорликнинг  
ортишига ижобий таъсир кўрсатди.

Янги йилда ҳам ишларимиз барорли, дастурхонларимиз тўкин-сочин,  
деҳқонларимизнинг хирмони янада баланд бўлсин!



Бош  
муҳаррир:  
Чори  
ЛАТИПОВ

**МУАССИСЛАР:**  
Ўзбекистон  
Республикаси  
Вазирлар Маҳкамаси  
Аграрно-иқтисодий  
тартибдаги ҳамда шу  
тармоққа дахлдор  
вазирлик ва идоралар.

**ТАХРИР ХАЙЪАТИ:**

Зафар РҲЗИЕВ, Улугбек УЗОҚОВ, Фарход  
ОМОНОВ, Эркин ҚУДРАТОВ, Муса  
АНОРБОВ, Абдирахоб ТАМИКАЕВ,  
Махмуд ТОИР, Ҳабиб ТЕМИРОВ (Бош  
муҳаррир ўринбосари), Суннат САЙДАЛИЕВ,  
Омонулла ЮНУСОВ, Айнар ҚУЛМУРОДОВ  
(Бош муҳаррир ўринбосари), Ренат  
НАЗАРОВ, Шерзод ҒУЛОМОВ, Муҳиддин  
АБДУСАМАТОВ (Масъул котиб).

Ўзбекистон  
Матбуот ва ахборот  
агентлиги  
томонидан 2009  
йил 13 февралда  
№ 0020-рақам  
билан рўйхатдан  
ўтказилган.



**ТЕЛЕФОНЛАР:**  
Қабулхона — 236-58-83, Котибият — 233-95-17, Аграр масалалари бўлими — 233-76-78, Ижтимоий-  
сиёсий ва ҳуқуқий масалалар бўлими — 236-56-30, Маънавият ва маърифат бўлими — 236-56-21,  
Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими — 233-28-04, Факс — 233-44-43, 233-28-04, 233-09-93.

**ХУДУДЛАРДАГИ МУХБИРЛАР:**  
Қорақалпоғистон Республикаси — (+99890) 728-09-78; Андижон — (+99893) 630-73-03; Бухоро — (+99891)  
247-29-59; Жиззах — (+99890) 297-44-09; Навоий — (+99891) 537-14-36; Наманган ва Фарғона — (+99890)  
278-95-87; Самарқанд — (+99891) 537-24-95; Сирдарё — (+99894) 168-23-60; Сурхондарё — (+99890) 519-86-50;  
Тошкент — (+99890) 976-39-58; Хоразм — (+99890) 438-71-25; Қашқадарё — (+99891) 635-08-03.

**Реклама ва  
эълонлар —**  
236-58-83, 233-28-04.

Реклама ва эълонлар матни  
учун буртмачи жавобгар

Навбатчи  
муҳаррир:  
Ш.ИҲЛОҚШЕВ  
Мусаҳҳиж:  
О.ОЧИЛОВ  
Дизайнер:  
М.СОБОМУХАММЕДОВА